«Шарқ Мадоннаси» Европада

Кучли зилзила оқибатида талофат кўрган Туркияга ёрдам бериш мақсадида Европанинг қатор давлатларида хайрия концертлари бўлиб ўтди. Хусусан, Нидерландия Қироллигида 3 кун давом этган бундай тадбирларда халқимизнинг севимли хонандаси, европаликлар таъбири билан айтганда ўзбекистонлик «Шарқ мадоннаси», Европада миллионлаб мухлисларга эга, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Нидерландия Қироллиги миллий телевидениесининг қатор каналлари — «Ned 1», «Ned 5», «RTL-4» ва «Fox» орқали намойиш этилган ушбу тадбирлардан йиғилган маблағ 30 миллиондан зиёд АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари Голландиянинг Халфег шаҳридаги ҳушманзара боғда ўтказилган «Йўқолсин ирқчилик» фестивалида Ю.Усмонованинг бир соатлик концерти кўтаринки руҳда ўтди. Бу ерда ҳозир бўлган 20 мингдан ортиқ мухлислар ўзбекистонлик санъаткорнинг қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

Мухбирнинг «Ўз қўшиқларингизни чет элга экспорт қилишдан асосий мақсадингиз нима?» — деган саволига эса: «Халқимнинг қадимий ва бой санъатини, маданиятини қўйлаш ва тарғиб қилиш, Ватаним шуҳратини дунёга таратиш — ахир бундан ҳам бахтли нарса борми киши учун!» — деди, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова.

Ҳурмат БОБОЖОНОВ,
Равшан ШАМСИТДИНОВ,
«Жаҳон» АА мухбирлари

Ҳам печенье, ҳам макарон

Яккабоғ дон маҳсулотлари корхонаси нафақат туманда, балки вилоятда тараққиёт йўлидан бораётган ташкилотлардан биттаси. Фойда билан ишлаётган ҳам, ишчиларга катта қулайлик яратаётган ҳам, техника янгиликларини дадил қўллаётганлар ҳам шулар. Олдинги йили тегирмонлар янгиланган, натижада унинг сифати кескин ошган эди.

Корхона илгари оддий усулда макарон ишлаб чиқарар, цехнинг қуввати чекланган эди. Натижада қарз эвазига Олмониядан янги ускуналар сотиб олинди. Соатига 120 килограмм макарон ва 500 килограмм печенье ишлаб чиқара оладиган цех қисқа муддатда қуриб ишга туширилди. Мустақиллик байрами арафасида ишлай бошлаган бу кичик корхона маҳсулотлари бошқа туманлардаги савдо ташкилотларига ҳам чиқарилади.

Ўз мухбиримиз

«Мисс Ўзбекистон-99»

Аёллар йилига бағишлаб Ватанимиз пойтахтида ўтказиладиган Биринчи миллий гўзаллик кўрик-танлови шундай аталади. Ҳозир танловнинг биринчи босқичи давом этмоқда. Унда мамлакатимиз шаҳарлари ва вилоятларидан энг латофатли ва зукко қизлар аниқланмоқда. Улар 4-16 октябрь кунлари бўладиган финал босқичида қатнашадилар. «ASIAN STYLE» модел агентлиги миллий гўзаллик кўрик-танловининг ташкилотчисидир. Умумреспублика миқёсидаги бундай тадбир Ўзбекистон ёшлар «Камолот» жамғармаси ва Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциацияси мададида ўтади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сайлов — халқ иродаси ва ишончи белгиси

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияларининг аъзолари, округ сайлов комиссиялари раислари, ҳокимликлар ташкилий бўлими мудирлари, тегишли вазирлик, қўмита, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов мазкур комиссиянинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимиз Президентлигига, Олий Мажлисга, вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз ифодасини топган. Зеро, сайловлар демократияни мустаҳкамловчи, фуқароларда сиёсий онг ва демократик кўникмаларни шакллантирувчи омиллардандир.

Сайловни ташкил этувчи ва уни ўтказувчи комиссиялар — Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифаси ҳам биринчи навбатда сайловчи ва сайланувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, сайловларнинг уюшқоқлик билан ва юқори савияда ўтишини таъминлаш, энг муҳими, бу борада демократик тамойилларга риоя қилинишини назорат этиб туришдан иборатдир. Бунда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар асос вазифасини ўтайди.

Ушбу қонунларда демократик сайловларнинг халқаро мезон ва талаблари тўлиқ ҳисобга олинган. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари декларацияси ва 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген конференцияси ҳужжатида баён этилган сайловларнинг умумийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик, бевоситалик, адолатлилик ва овоз беришдаги яширинлик тамойиллари қонунларимизда ўз аксини топган.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. Эшонов, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори А. Турсунов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Файзуллаев ва бошқалар сайловларнинг ана шу муҳим жиҳатларига асосий эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлис сайловлари куни эълон қилинганидан буён ўтган вақт давомида сайловларга тайёргарлик ишлари белгиланган аниқ режа бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси Президент сайлови бўйича 14 та, Олий Мажлис сайлови бўйича 250 та сайлов округини тузиб, уларнинг чегаралари ва қонун талабига мувофиқ келадиган сайловчилар миқдорини белгилаб чиқди.

Сиёсий партияларнинг Марказий сайлов комиссиясига берган аризалари кўриб чиқилди ва уларга Президент ҳамда Олий Мажлис сайловида қатнашишларига ижозат берилди. Бугунги кунда мамлакатда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органларидан ташқари, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ҳам депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эса сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари номзод кўрсата олади.

Умуман, мамлакатимизда 7 минг 684 та сайлов участкаси тузилиши керак. Улар орасида узоқ овуллар, тоғ ва чекка қишлоқларда жойлашган участкалар бор. Участкаларда сайловчилар учун етарли шароит яратиб бериш, керакли ҳужжатлар билан таъминлаш, сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш — табиийки, участка сайлов комиссиялари зиммасига катта вазифалар юклайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сайлов комиссиялари аъзолари — Марказий сайлов комиссиясидан то участка сайлов комиссияларигача — партиясиз, холис ва бетараф кишилардан тузилган. Комиссияларнинг ишлашига четдан тазйиқ ўтказиш қонун билан маън этилган.

Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини турли халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар юқори баҳолашмоқда. Буни семинарда сўз олган БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Павел Крал, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Прессел, ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар Бюроси раҳбари Ганчо Ганчев, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхарт Биндзайль, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофор Ингем ҳам таъкидлаб ўтди.

Ошоралик ва адолат устувор бўлган жамиятда сайловлар ҳам чинакам демократик тамойиллар асосида, жаҳон андозаларига мос равишда ўтади. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари воқеликни холис ва ҳозиржавоблик билан ёритиши, теран таҳлил этиши тақозо этилади. Телевидение, радио, газеталар давлатга қарашли ёхуд хусусий бўлишидан қатъий назар, уларда бу борада фаолият юритаётган журналистлар ҳар бир номзод тўғрисида ҳаққоний ва теран ахборот бериши зарур. Сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг семинар-кенгашдаги маърузаларида ҳам бу масалалар алоҳида қайд этилди.

Сайлов мамлакат ва халқ ҳаётида муҳим сиёсий воқеадир. Айнан сайлов орқали халқ ҳокимиятга ва бу ҳокимият олиб бораётган сиёсатга ўз муносабатини билдириш имкониятига эга бўлади. Демократик дунёвий давлат ва эркин ҳуқуқий фуқаролик жамияти қураётган мамлакатимиз учун бўлажак сайловлар ҳақиқатан ҳам катта синов ва тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишида муҳим қадамдир.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 сентябрь, шанба • № 111 (25.506).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Қирғизистон жанубидаги воқеалар хусусида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов ўтказган матбуот анжумани Қирғизистон жанубидаги воқеаларга бағишланди.

Ташқи ишлар вазири ҳорижий ва маҳаллий журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, матбуот анжумани Қирғизистон жанубида бўлаётган воқеаларга яна бир бор қайтиб, эътиборни хатарли оқибатларга олиб келаётган айрим омилларга қаратиш учун уюштирилганини айтди. Матбуот вакиллари билан учрашишнинг қатъий зарурати бу воқеалар теварагида сиёсий ва турли дипломатик найранглар билан боғлиқдир. Марказий Осиё давлатлари жамоатчилигини, шунингдек, жаҳон жамоатчилигини чалғитиш мақсадида нопок усуллар билан сафсатабозлик ва ёлғончиликдан фойдаланилмоқда. Хусусан, гап Бирлашган тожик мухолифати раҳбари жаноб Абдулло Нурийнинг яқинда қилган баёноти ҳақида бормоқда. Баёнотда у Қирғизистон жанубидаги воқеалар учун масъулиятни ўз зиммасидан ва Бирлашган тожик мухолифати зиммасидан соқит қилишга уринади.

А.Комилов бу бутунлай сохта ахборот эканлигини айтиб, қуйидаги расмий баёнотни берди:

Биринчи. Биз такрор ва такрор айтамизки, террорчиларнинг Тожикистон Республикаси ҳудудидан Қирғизистон Республикаси ҳудудига суқилиб кириши тасодифий ҳодиса эмас. Бу — кўп вақт давомида пухта тайёргарлик кўрилган операциядир. Қайси йўналишдан ўтиш олдиндан ўйлаб кўрилган, зарур қурол-яроғ, анжомлар, шунингдек, радиоалоқа билан пухта таъминланган тўдалар олдиндан тузилган.

Агар бу Тожикистон Республикаси ҳудудидаги базалари билан боғланмаган оддий жангарилар тўдаси бўлса, уларга замонавий радиоалоқа воситалари нима учун зарур, улар ким билан алоқа қилади, деган табиий савол туғилади. Ахир бундай техника аниқ топшириқ олиш ва уларни бажариш учун зарур.

Фақат бир мисолни — Қирғизистон жанубидаги Зардоли қишлоғи атрофига ўрнашиб олган жангарилар билан Тожикистоннинг Хоит деган жойидаги марказ билан шу йил 24 августда бўлган радиосўзлашувни сўзма-сўз келтираман: «Асирлар сўнгги дақиқагача қолдирилиши керак, чунки уларнинг орамизда бўлиши «динсизларни» бомбардимондан тийилиб туришга мажбур қилади. Бу юқори лавозимли одам (Қирғизистон ички қўшинлари генерали Шамкеев кўзда тутилаяпти) ва хорижий фуқароларни ушлаб туриш биз учун жуда муҳим».

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўлида Ўш вилоятига суқилиб кирган жангарилар гуруҳи раҳбари Жума Ҳожиевнинг, ўзи Жирғатолда туриб, жанглар қандай бораётгани ва қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида М.Зиёев (лақаби «Жага», Бирлашган тожик мухолифати қуролли кучларининг собиқ кўмондони. Ҳозир эса у И.Раҳмонов ҳукуматида фавқулодда вазиятлар вазири лавозимида хизмат қилади) штабига, шунингдек, жангариларнинг Кобул ва Қандаҳордаги қароргоҳларига ахборот бераётгани ҳақида маълумотлар бор. Мунтазам қатнаб турган чопарлар орқали ҳам алоқа амалга оширилмоқда, С.А.Нурий ва М.Зиёев энг махфий кўрсатма ва маслаҳатларни шу чопарлар орқали юбормоқда.

Иккинчи. Табиийки, Бирлашган тожик мухолифати (С.А.Нурий) томонидан ўзининг жангарилар билан алоқаси йўқлигини кўрсатиш учун барча зарур ишлар қилинди. Хусусан, Нурийнинг, август ойида Намангонийга қуролларни топшириш зарурлиги ёки жангарилар тўдалари Тожикистон ҳудудидан чиқиб кетишлари лозимлиги ҳақида талаб қўйилган, деган гаплари шундан далолат беради. Бу алдов, ёлғон, кўзни шамғалат қилишдан ўзга нарса эмас. Мақсад эса равшан: Тожикистонда сайловолди кураши чоғида тинчликпарвар шахс сифатида ном чиқариш.

Ундай бўлса қуйидаги далилни қандай тушуниш керак?

Қирғизистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари билан ҳарбий тўқнашув чоғида, шунингдек, Ўзбекистон ҳарбий-ҳаво кучлари 29 августда жангарилар эгаллаб турган жойларга ҳужум қилиб, бомба билан зарба бериши натижасида жангарилар талофат кўрди. Мавжуд маълумотларга қараганда, Қора Тейит қишлоғида жойлашган жангарилар гуруҳи Бирлашган тожик мухолифати отрядларининг ёрдами билан Қирғизистон ҳудудидан Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманидаги Миёнаду қишлоғига олиб чиқилган. Оғир яраланган жангарилар яширин равишда даволаш учун шу туманнинг шифохонасига келтирилган. Баъзи дала командирлари эса, жумладан, Боткен туманидаги жанговар ҳаракатлари чоғида ярадор бўлган мулла Абдулло Жирғатолдан вертолётда Душанбе шаҳрига олиб кетилган. У ерда мулла Абдуллога тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шу йил 17 июлда Тожикистон Республикаси ҳукумати билан мухолифат ўртасида ғайриқонуний қуролли бўлинмаларни тарқатиб юбориш ва қуролсизлантириш тўғрисида келишув протоколи имзоланганидан сўнг, С.А.Нурий, М.Зиёев ҳамда тожик ақидапарастларининг мулла Умар, Жунайдулло, «Шайх» ва «Шоҳ» каби дала қўмондонлари жангарилар отрядларининг Тожикистоннинг турли жойларидан Тожикистон Республикасининг Қоратегин зонасидаги Бирлашган тожик мухолифати назорат қилиб турган ва бориш қийин бўлган жойларга (Тавилдара, Саридашт, Тожикобод, Жирғатол, Хоит қишлоқларига) олиб ўтишни ташкил қилишда бевосита иштирок этгани бизга маълум. Бу операциянинг мақсади ўзларининг узоқни кўзлаган режаларини амалга ошириш учун жангариларни яшириш ва сақлаб қолиш эди.

Бундан жуда кўп саволлар туғилади.

Ҳозир Очканда жойлашиб олган жангариларни дори-дармон, озиқ-овқат ва қурол-яроғ билан ким таъминламоқда? Тоғларга совуқ тушиб қолган ҳозирги пайтда уларга ким иссиқ кийим-кечак беряпти?

Қирғизистон жанубига ўтиб, 45 кундирки, у ерга ўрнашиб олган жангариларни ким қўллаб-қувватлаяпти ва ким таъминлаб турибди? Ахир булар шарпа эмас, балки қуролли тўқнашувни давом эттираётган ва одамлар хавфсизлигига таҳдид солаётган жиноятчилар-ку.

Бирлашган тожик мухолифати экстремистларни шунчаки қўллаб-қувватлаб қолмай, балки уларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилаётганини исботлайдиган яна қандай далил керак?

Учинчи. Тожикистон ҳукумати қўшинлари мамлакатнинг Шарқий минтақасини — Ғарм ва Қоратегин зонасини, Жирғатол, Хоит, Тавилдара ва Бирлашган тожик мухолифатининг базалари жойлашган бошқа жойларни аслида назорат қилмаяпти.

Ҳукумат бу далилларни тан олиш ўрнига, ўзини юқорида айтилган жойларни бошқариб, уларни назорат қилиб тургандай қилиб кўрсатмоқдаки, бу ачинарли ҳолдир.

Тожикистон ҳукумати Тожикистон билан Қирғизистон ўртасидаги чегарани тўсиб қўйиш юзасидан чора кўриш ҳақида бир неча бор ёзма ва оғзаки шаклда баёнот берди. Аслида-чи? Таассуф билан айтиш керакки, аслида ҳеч қандай амалий чора кўрилмаяпти.

Чегара мутлақо очиқ. Мана, аниқ далиллар.

Хоит, Чусал ва бошқа жойлардаги омборлардан изга солинган каналлар орқали Қирғизистон жанубидаги жангариларнинг жанговар ҳаракатлари зонасига қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат, дори-дармон, иссиқ кийим ва чодирлар ҳеч қандай тўсқинликсиз келтирилмоқда. Масалан, шу йил 6-7 сентябр кунлари Илҳомбек командирлик қилаётган жангарилар гуруҳига Тожикистон ҳудудидан ўқ-дори келтирилди. Бирлашган тожик мухолифати жангарилари карвонларни олиб ўтиш учун йўлбошловчилар тайинлаб, уларнинг Тожикистон-Қирғизистон чегарасидан ўтиши учун хавфсизлигини таъминламоқда.

Тўртинчи. Қирғизистон Республикаси ҳудудига суқилиб кирган тўдалар ортида Бирлашган тожик мухолифати ҳам, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардаги экстремистик кучлар ҳам турибди, деб айтиш учун бизда ҳозир ҳамма асос бор. **Хусусан, Бирлашган тожик мухолифати билан толиблар ўртасида, шунингдек, айни пайтда Афғонистонда турган Т.Йўлдошев ва ҳозирги вақтда одил судловдан яшириниб юрган бошқа жиноятчилар ўртасида радиоалоқа мавжудлиги аниқланган.**

Бирлашган тожик мухолифати раҳбарлари ва жангариларнинг бошлиқларига уруш ҳаракатларини олиб бориш тактикаси ва стратегияси тўғрисида Кобул ва Қандаҳордан аниқ кўрсатмалар келиб турибди.

Бешинчи. Доғистондаги воқеалар таҳлили ва ҳозирги вақтда Қирғизистон Республикаси жанубида қилинаётган найрангбозлик уларнинг тўла-тўкис ўхшашлигини кўрсатмоқда, яъни уларнинг ортида айни бир хил экстремистик кучлар турибди. Буни далиллар кўрсатмоқда.

Ҳали текширилмаган маълумотларга қараганда, Душанбеда ва Тожикистон Республикаси шарқида — Ғарм ва Қоратегин туманларида экстремистик кучлар орасидан Кавказда кўпорувчилик қилиш учун кўнгиллилар қабул қилинишини эълон қилувчи варақалар пайдо бўлган. Кўнгиллиларга йўлкира учун 2 минг АҚШ доллари ва ҳафтасига 800 доллар ҳақ белгиланган. Бу кўп нарсадан дарак беради.

Пировардида, террорчиликнинг, айниқса, халқаро террорчиликнинг миллати йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу борада миллат, элатлараро қандайдир низолар чиқаришга уринишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди ва бу хатарли ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов пировардида журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

ЎзА — «Жаҳон».

Ватанни суйганлар ёди

Хотирасиз келажак бўлмайди. Шундай экан ўтмиш тарихимизга, аждодлар ҳаётига назар қилмай миллий ўзлигимизни, истиқлолимизни англаб бўлмайди. Айниқса, юрт озодлиги, мустақиллиги учун жон фидо этган инсонларни ҳар он, ҳар сонияда ёдда тутмоқ зарур. 16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида иш бошлаган «Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш ва мустақиллик учун кураш» мавзуида бўлаётган халқаро конференция истиқлол фидоийлари ҳақидаги турли баҳс ва мунозараларга бой ўтмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистонни янги тарихи маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Марказий Осиёдаги француз тадқиқотлари институти ушбу конференциянинг ташкилотчилари бўлдилар. Конференцияда республикамизнинг таниқли тарихчи ва жадидчи олимларидан ташқари АҚШ, Италия, Нидерландия, Франция, Япония ва МДҲ давлатларидан келган вакилларининг зўр қизиқиш билан иштирок этиши мазкур тадбирнинг нечоғли аҳамиятли эканлигидан далолатдир. Қолаверса, уларнинг жадид намояндалари фаолиятига бағишланган чиқишлари ва олиб борган тадқиқоти натижалари билан ўртоқлашиши дунё миқёсида улуғ тарихимизга, унинг эркпарвар ўғлонларига бўлган эътибор кун сайин ортиб бораётганини ҳам англатади.

Конференциянинг яна бир муҳим жиҳати йиғилган тарихчи ва жадидчи олимларнинг ўзаро фикр алмашишларига, тадқиқотларни ўрганишга келгусида ҳам катта имкониятлар очади. Хорижликлар эса Ўзбекистон тарихи билан яқиндан танишадилар.

—Жадидчилик ва жадид намояндалари фаолияти хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотган,—дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти директор ўринбосари Дилором Алимова.— Буни уларнинг маърузаларидан билса бўлади. Конференция давомида иштирокчилар жадидчиликнинг ўзига хос қирраларини ўрганадилар. Шунингдек жадидчилик фаолиятига бағишланган кўргазмани томоша қиладилар.

Юртимизнинг бугунги тинч-тотув муаззам кунларини қадрлаш, унинг истиқлоли учун курашиш нуқтаи назаридан ҳам тадбирнинг ўзига хос томонлари бор. Зеро, асримиз бошидаги миллат фидоийларининг фаолияти, қаҳрамонлиги биз учун ўрнак бўлмоғи зарур. Ватан ҳамиша биздан асилликни, садоқат ва жонкуярликни талаб этади. Тараққиётга элтгувчи асосий омиллардан бири ҳам шу.

Ойгул СУЮНОВА,
тарих фанлари номзоди

Бу дунёнинг ишлари

«Ажал уруғи» топилди

Россия пойтахтининг Капотня туманида етмиш олтита қопга жойланган тўрт тонна портловчи модда топилди. Маълумотларга қараганда, у селитра, гексоген ва тротил қоришмаларидан тайёрланган. Тахминларга кўра, портловчи модда Шимолий Кавказдан келтирилган.

***

Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотларга қараганда, Каширск шоҳ кўчасидаги кўп қаватли уйнинг портлаши натижасида ҳалок бўлган юз ўттиз кишидан бир юз ўнтасининг жасади қариндош-уруғлари томонидан танилган. Гурьянов кўчасидаги портлашда ҳам тўқсон уч нафар москвалик қурбон бўлган эди. Улардан саксон биттасинигина қариндош-уруғлари таниган олган, холос.

Саммитга тайёргарлик

Келаси йилнинг 21-23 июль кунларида Японияннинг Окинава оролида «Катта саккизлик»нинг навбатдаги саммити бўлади. Шу муносабат билан Япония полицияси ҳозирданоқ хавфсизлик чора-тадбирларини кўрмоқда. Окинавада ўтказилган мажлисда таъкидланишича, ушбу тадбирга 20 минг нафар полиция хизматчиси жалб этилади.

Биз ҳар қандай қарши ҳаракатларни тезда бартараф қилишга тайёр турмоғимиз лозим, деди мамлакатнинг бош полиция бошқармаси раҳбари Юко Сэкигути. 1986 йилда Токиода бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида ҳам шундай ножўя ҳаракатлар юз бериши хавфи туғилганди. Бироқ уларнинг олди тезда олинганди.

Фуқаролик куни

АҚШда Фуқаролик куни нишонланди. Бундан 212 йил муқаддам шу куни конституция тасдиқланган ва бу ерга келган биринчи муҳожир мамлакат фуқаролигига қабул қилинганди. Шундан буён АҚШда ушбу сана Фуқаролик куни сифатида кенг нишонлаб келинади.

Байрам муносабати билан АҚШнинг муҳожирлик хизмати бир неча кун давомида турли тадбирлар ўтказади. Улардан бири шундан иборатки, 20 мингта яқин кишини мамлакат фуқаролигига қабул қилиш маросими бўлади. Биргина Нью-Йорк шаҳрининг ўзида 6,5 минг муҳожир АҚШ фуқаросига айланади.

Муҳожирлик хизмати вакилининг айтишича, 1993-98 йиллар давомида 5,6 миллион нафар муҳожир АҚШ фуқаролигига қабул қилинган.

Бу дунёнинг ишлари

Ҳасад эмас, ҳавас қилинг!









Сирдарё вилояти: замонавий бунёдкорлик.

Экологик аудит нима?

Барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам табиат, атроф-муҳит қонун томонидан муҳофаза қилинади. Табиат инсониятга туҳфа этилган энг улуғ, энг азиз неъматлардан биридир. Уни авайлаш, асраш ва келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Бу вазифани амалга оширишда экологик аудит масаласи асосий ўрин тутиши замон талаби эканлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Экологик аудит масаласи илк бор 1970 йилларнинг ўрталарида Америка Қўшма Штатида кўтарилган эди. Сўнгги пайтларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи бу масала юзасидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқда. Саноат ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга асосланган йирик корхоналарнинг атроф-муҳитга зиён етказмасдан фаолият кўрсатиши, агар атроф-муҳитга зиён келтираётган бўлса, уни ҳисобга олиб, хулоса чиқарилиши ҳамда тегишли тавсиялар берилиб, унинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш экологик аудиторларнинг бош вазифасидир.

Республикамизда экологик аудит энди-энди пайдо бўлмоқда. Бир гуруҳ мутахассисларнинг жонбозлиги билан ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган ҳамда иқтисодиётимиз юксалишига ҳисса қўша оладиган корхона ва ташкилотларнинг экологик аудити 4 асосий таркибни ўз ичига олади.

Булар технологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий аудитлардир. Ўз ўрнида шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, экологик аудит маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятларини лойиҳалаштирилган пайтда эмас, балки у ишга тушгач ўрганади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини экологик анализдан ўтказиб олиб, тегишли экологик сертификат олиши муҳим аҳамиятга эга.

Чунки экологик аудит корхонанинг истиқболида муҳим роль ўйнайди. Корхонанинг фаолиятини комплекс ўрганиб, унинг ташқи муҳитга таъсирини изчил ҳисоб-китоб қилиб чиқади. Дейлик, бир кимёвий корхона ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш эвазига биз нафас олаётган муҳитга меъёридан ортиқ даражада инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган заҳарли газ чиқараётган бўлиши мумкин. Буни кўз билан кўрмаймиз, ҳатто биз нафас олаётган ҳаво маълум маънода заҳарланганини ҳис ҳам қилмаймиз. Экологик аудит корхонани тегишли қурилмалар ва зарур ҳисоб-китоблар билан унинг бир кунлик ёки бир неча кунлик, керак бўлса бир соатлик миқдорини ва қамраб олган ҳудудни белгилайди. Ва ўзаро шартномага мувофиқ унинг олдини олиш йўлларини топади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, экологик аудит томонларга фойдали бўлиб, энг асосийси инсон саломатлигини сақлаб қолади. Экологик аудит мутахассисларининг олиб борган ишлари ва кўрсатмалари ишлаб чиқариш фаолият тури ва маҳсулот сифати такомиллашувига ёрдам беради. Экологик аудит илмий изланишларининг афзалликлари ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Бунинг сабаби бор. албатта. Чунки республикамизда фаолият кўрсатаётган кўплаб йирик ва майда ишлаб чиқариш корхоналарини экологик аудитдан ўтказиш ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини экологик сертификатлаш ҳали тўла йўлга қўйилмаган. Бошқа мамлакатлардаги амалий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бу янги фаолият тури билан шуғулланувчи ташкилот мустақил мақомга эга бўлсада, атроф-муҳитни назорат қилувчи давлат органлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориши керак.

Шу кунларда республикамизда таниқли эколог мутахассислар иштирокида «Экологик экспертиза ҳақида» Қонун лойиҳаси устида иш олиб борилябти. Келажакда албатта қабул қилиниши лозим бўлган бу Қонун, бепоён Ватанимизда экологик аудитнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Бу Қонун нафақат ҳаёт талаби, балки давр тақозосидир. Чунки бизнинг саломатлигимиз аввалламбор ўз қўлимизда. Ҳукуматимиз ўз олдига соғлом авлодни тарбиялашни бош масала қилиб қўйган бир пайтда, жамиятнинг тоза ва соф экологияси муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайфиддин ҲАМРОЕВ,
табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузуридаги «Маҳсулот ва хизматларни экологик сертификатлаштириш маркази» раҳбари, кимё фанлари номзоди

Қонунлар ижроси қандай?

Республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. У Навоий вилоятида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси қай даражада бажарилаётганига бағишланди.

Бугунги кунда Навоийда «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» вилоят газеталари ҳамда 9 та туман, 14 тармоқ газеталари, шунингдек, хўжалик ҳисобидаги телевидение ва 4 та телестудия ишлаб турибди. Улар фаолиятига эса ҳокимлик органлари ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бироқ Навоий вилояти оммавий ахборот воситалари фаолияти замон талабларига жавоб бермаётганлиги, иш юритиш услуби ҳалиям деярли ўзгармаганлиги, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан оммавий ахборот воситалари мавқеини ошириш борасида бирон-бир ташаббус ёки салмоқли иш қилинмаётганлиги таъкидланди.

Газеталарни босишда ноширлар томонидан эскирган ускуналардан ва қўл меҳнатидан фойдаланилаётгани ҳам йиғилишда танқид қилиб ўтилди.

Бундан ташқари вилоят телерадио эшиттиришларда, газеталарда чукур таҳлилий чиқишларнинг йўқлиги кишини ўйлантириб қўяди. Ваҳоланки, оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият сифатида Президент Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишда жамиятимизнинг холис тарғиботчиси бўлиши, уларнинг амалда бажарилишини мунтазам ёритиши, қисқаси назорат қилиб бориши лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Матбуот соҳасига оид 5 та қонун қабул қилиниши бунинг далилидир. Ушбу қонунлар жаҳон қонунчилик андозалари талабига жавоб берган ҳолда тайёрланган ва хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланган. Бу қонунларни ҳаётга жорий этиш жараёни журналистларга матбуотни миллий мазмун билан бойитиш ва мустақилликни мустаҳкамлашда салмоқли ҳиссаларини қўшишлари учун катта имкониятлар яратди. Шу имкониятлардан унумли фойдаланмаслик беғамликдан ўзга нарса эмас.

Йиғилишда вилоят оммавий ахборот воситалари ишини яхшилаш, замонавий технология билан таъминлаш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш, журналистларни маънавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир масалалар ўқдирилди ҳамда Навоий вилоят ҳокимлиги ва вилоят матбуот бошқармаси эътиборига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, улар ишини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Алимқул СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Завод ичидаги завод

Навоий машинасозлик заводи вилоятдаги 17 та йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонага қарашли қуюв цехини завод ичидаги завод дейиш мумкин. Зеро, завод бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60 фоизи ана шу цехда тайёрланади. Яқинда цех янада кенгайди. 2 та иссиқлик печи ва қўшимча қуюв камераси ишга туширилиб, янги кўтарма кран монтаж қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқига очиқ миннатдорчилик мактуби

1999 йил 17 август куни эрта тонгда Туркиянинг шимоли-ғарбидаги Мармара минтақасида кучли ер силкинди... ва бу зилзила фожиали равишда жуда кўп инсоннинг ҳаётини олиб кетиш билан бирга катта миқдорда моддий зарар келтирди.

Минглаб инсонлар ҳалок бўлди, минглаб инсонлар жароҳатландилар, яна минглаб инсонлар уйсиз ва ёрдамга муҳтож аҳволга тушиб қолдилар.

Бу қўрқинчли фалокатнинг таърифлаш қийин бўлган оқибатларини дарҳол бартараф этишни бошладик ва бутун халқ сифатида сафарбар бўлдик. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг, ораларида қидирув ва қутқарув гуруҳлари, врачлар ва ўт ўчирувчилар гуруҳи ҳам бўлган кенг қамровли халқаро ёрдам қўли билан қўллаб-қувватланганини кўрдик. Бундан миннатдормиз.

Турк халқи Ўзбекистондан зилзила фалокатидан кейин дарҳол кўрсатган маънавий ва моддий дастак учун миннатдор. Энг қийин ва энг қайғули купларимизда кўрсатган жўмардлигингиз ва инсонийликнинг олий намунаси бўлган бу ёрдамингиз ҳамиша ёд этилади.

Ҳозир, яқинлашаётган қиш ойларида уйсиз қолган минглаб халқимизни вақтинча бошпана билан таъминлаш — энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Жабрдийдалар учун зилзилага чидамли уйларнинг қурилиши учун катта бир лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу фалокат оқибатида йўқотиш ва зарарлар келтирган яраларга мумкин бўлган энг қисқа вақт ичида малҳам қўйиш ва фожиа юз берган минтақадаги аҳоли яшаш жойларини тамоман янгитдан қуриш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг натижасини кўриш қароримизда қатъиймиз.

Бизни қўллаб-қувватлашда давом этишингизга ишонамиз.

Кўрсатган ҳамжиҳатлигингиз учун энг чуқур ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Ҳозирги мушкул пайтимизда бизга ёрдам қўлингизни узатганингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ

Ғанимга йўл йўқ

Фарғона водийсининг жанубида Помир-Олой тоғ тизмалари бор. Фарғонанинг Сўх ҳамда Фарғона туманлари, Қувасой шаҳри атрофида ана шу тоғлар туташган. Сўхда 50 мингдан ортиқ одам яшайди. Тожикистон ҳудудидан Қирғизистонга ўтиб Марказий Осиё хавфсизлигига таҳдид солишга уринаётган бир ховуч ватанфурушлар ана шу тоғлар қўйнида писиб, яшириниб юришибди. Маҳаллий қирғиз аҳолиси бошига турли қулфатлар солишяпти. Ўз вахшийликлари билан қирғиз, ўзбек, тожик ва бошқа халқлар нафратига дучор бўлишмоқда. Бироқ, бизнинг чегараларимиз мустаҳкам, Фарғона вилояти ҳудудидаги тоғлик қишлоқлар, шаҳарларда осойишталик. Боткен туманига бевосита чегарадош бўлган, Сўхда тинч ижодий меҳнат давом этмоқда. Ўқув юртларида машғулотлар тўхтатилгани йўқ. Савдо дўконлари, сайлгоҳлар аввалгидай бемалол ишлаб турибди.

— Сўхда кундалик ҳаёт ўз маромида — дейди туман ҳокими Баҳодиржон Обиджонов. — Айрим мамлакатлар матбуот органларида, телевидениесида бизнинг қишлоқларнинг «ўққа тутилгани» ҳақидаги хабарни эшитиб, ҳангу-манг бўлдик. Ёлғон ҳам эви биланда. Сўхда тинч меҳнат давом этяпти. Чегараларимизни эса посбонларимиз хушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган жангарилар Бугаев номли Тошкент илмий-тадқиқот институтига қарашли метеорология станциясини вайрон қилганлар. Мухбирларимиз шу станцияда хизмат қилган ходимлар билан гаплашдилар. Уларнинг айтишича, 17 август куни станцияга озиқ-овқат келтирилган. 20 август тонгги соат 5.00 да эса станциянинг 10 нафар ходими яшайдиган уйларга қўрбий кийимдаги, тиш-тирноғигача қуролланган жангарилар бостириб киришган. Гап нимадалигини англаб етмаган илмий ходимларни (улар орасида аёллар ҳам бор эди) туртиб, совуқ уйга қамашади. Ходимлардан бири қаршилик кўрсатганда автомат қўндоғи билан унинг бошига уриб йиқитишади. 50 га яқин босқиннчилар станцияда хўжайинчилик қила бошлашади. Улар 26 соат давомида гаровга олинган бизнинг ходимларни қийнашади. Метеостанциядаги асбоб-ускуналарнинг барини синдириб, жарликка отиб юборишади.

Бир кеча-кундуздан ортиқ вақт ўтгач, босқинчилар гаровдагиларни 80 чақирим олисдаги Хайдаркон шаҳрига ҳайдаб юборишади. Шуни айтиш керакки, станция ходимлари бу ерда йиллар давомида тўпланган илмий кузатишлар ҳужжатларини ўзлари билан олиб кетишга улгурдилар. Чунки метеостанция денгиз сатҳидан 3800 метр баландликдаги Абрамов музлиги ёнида жойлашган бўлиб, бу ҳужжатларда улкан музликнинг аҳволи, ҳаракати кузатилиши баён этилган эди. Музликнинг феъл-атвори ўзгариши эса водий иқлимига катта таъсир кўрсатади. Жўда катта аҳамиятга эга бўлган бу музлик ёнидаги ноёб илмий-тадқиқот объектини вайрон қилган жангарилар нимага эришмоқчи бўлганлар? Инсонийлик фазилатларидан тамоман маҳрум, мақсади чаёндек ниш уриш истагидаги бундай кимсалардан яна нима ҳам кутиш мумкин?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Севимли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳаёт бўлганида 82 ёшни қаршилаган бўлар эди. Минг афсуски, бугун Абдулла Қаҳҳор бизнинг орамизда йўқ. У айни қизғин ижод палласида 61 ёшида оламдан ўтди. Лекин кўнглимизга таскин бергувчи унинг бой бадиий мероси авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Шу боис унинг жаҳонга машҳур ҳикоялари, «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Ўтмишдан эртаклар», «Муҳаббат» сингари бир қанча асарлари ўзбек адабиётининг залворли асарлари сирасидан ўрин олган.

Маълумки, бир неча йилдан буён пойтахтимиздаги Яккасарой туманининг Юнус Ражабий кўчасида Абдулла Қаҳҳор уй-музейи фаолият кўрсатмоқда. Адиб бу уйда 1958 йилдан 1968 йилгача яшаб, ижод қилган. Унинг энг яхши асарлари мана шу уйда дунёга келган. Бугунги кунда эса уй-музейи ихлосмандлар учун табаррук қадамжога айланди.

Мазкур икки қаватли музей адиб ҳаётидан акс берадиган турли хил кўргазмалар билан жиҳозланган. Хусусан, унда ёзувчи асарлари, фотолавҳалар, альбомлар, уй-жиҳозлари, қўлёзмалар, телеграммалар, дастхатлар экспонат сифатида қўйилган. Биргина адиб ижодхонасида 3000 дан ортиқ китоб сақланади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА)

Суратда: Абдулла Қаҳҳор уй-музейидан лавҳа.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

Яхшиликни халқ унутмайди

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Ғаллаорол наволари» тўплами чоп этилди. Унда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида яшаб ижод этаётган қаламкашларнинг шеърлари ўрин олган. Қувондиқ Санақулов ёзган сўз бошида «Бадиий ижодга кенг йўл очилган, асрлар қаърида қолиб кетган қадриятларимиз қайта тикланаётган, маънавий барқамоллик кундан-кун ривож топаётган бир даврда ижодкорларга эътибор янги-янги булоқларнинг кўзини очади деган умиддаман» дейилади. Ижодкорларга ғамхўрлик Қувондиқ Санақулов туманга раҳбар бўлган чоғидаёқ сезилган эди. Ул зот борлигида таниқли ижодкор Абдуҳамид Сарибоевнинг 3 та китоби марказий нашриётларда нашр этилди. «Ғаллаорол овози» газетасининг нусхаси кўпайди, маънавият ва маърифат маркази, туман музейининг ишлари тубдан яхшиланди. Мактабларда дарс самарадорлиги оширилди. Маданий тадбирларни ўтказиш одат тусига айланди.

Орамиздаги одамлар

Хотира ва қадрлаш кунига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказишда Қувондиқ Санақуловнинг ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги аниқ намоён бўлди. Халқимиз бахт-саодати йўлида ҳалок бўлган ғаллаоролликларнинг хотираси тикланди. 600 га яқин исм-фамилиялар хотира хиёбонига ёзиб қўйилди. Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Мустақиллик боғи барпо этилди. Бошлаб қўйилган чала маданий ва маиший бинолар поёнига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Ўнлаб қишлоқларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш шифохоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиши 4 миллион АҚШ долларига тенг Ўзбекистон — Россия «Воллостанит ЛТД» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ҳозир корхона тайёрлаб бераётган маҳсулот туман иқтисодига катта самара келтирмоқда. Жаҳонда фақат 4 давлатда ишлаб чиқарилаётган воллостанит республикамиз мустақиллигига хизмат қилиши тайин.

Қувондиқ Санақулов Ғаллаорол тупроғида Менделеев даврий жадвалининг ҳамма бойликлари борлиги, уларни республика мустақиллиги учун ишлатиш зарурлиги ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб берганди. Маржонбулоқ олтин кони, Қуйитош кон бошқармаси заҳиралари ва аҳамияти ҳақида гапирганда беихтиёр фахрланиб қўйгандик.

Қувондиқ Санақуловда халқ билан ишлай олиш қобилияти бор.

Қуйитошда собиқ иттифоқ тарқаб кетгач, аҳвол жуда қийинлашиб қолганди. Ҳатто одамлар қўрғонни ташлаб кета бошладилар. Ўшанда улар қалбида умид чироғини ёққан ҳам ҳоким бўлди. Комбинатни муддатидан илгари ишга туширишда қўшимча маҳсулотлар тайёрлашга раҳбарлик қилди, бозор шароитида ижтимоий ҳимоялаш йўлларини излади, одамларни иш билан таъминлаб, уларда эртанги кунга ишонч уйғотди.

Қувондиқ Санақулов Жиззах аккумулятор заводида бош механик, «Ўзолмосолтин» ишлаб чиқариш бирлашмасида бош технолог, Ўзбекистон Республикаси қимматбаҳо металлар Давлат қўмитасида бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасида бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси катта эксперти ва бош мутахассис бўлиб ишлаганда ҳам ўз вазифасига лаёқатли эканлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда эса Олмалиқ-тоғ металлургия комбинати бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 42 баҳорни қаршилаган айни кучга тўлган, мустақил республикамиз тақдири билан ҳаётини боғлаган Қувондиқ Санақулов Ғаллаорол туманига раҳбар бўлган чоғларида халқ қалбида катта ҳурмат қозонди. Бу ҳурмат ҳаёт пиллапояларида асқотади. Зеро, халқимиз халқпарвар, одил, мулоҳазали фарзандларини ардоқлайди. Бу мақола ҳам ғаллаоролликларнинг Қувондиқ Санақуловга бўлган ҳурматидан нишонадир.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ҳунармандлар байрами

Шаҳрисабз азалдан ҳунармандлик касбини санъат даражасига кўтарган моҳир халқ усталари шаҳри бўлиб келган. Араби гилам, ироқи дўппи, каштачилик ва бошқа ҳунармандларнинг сирлари бизнинг давримизгача етиб келди. Айни пайтда 400 дан ошиқ кичик корхона тадбиркорлик билан машғул.

Шаҳрисабз санъат саройида машҳур кулол Асад Музаффаров уй музейининг очилиши ва ҳунармандлар байрамига бағишланган республика семинари бу соҳа янги йўналишлар билан бойиётганининг далилидир. А. Музаффаров уй-музейи ҳовлисида ош тортилди. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Навоийдан келган меҳмонлар музейга эсдалик совғаларини инъом этдилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

Ўрта Осиёнинг тўнғич тегирмони

Ўрта Осиёнинг механизациялашган тўнғич тегирмони 1909 йилда Тошкентда бунёд этилганди. Ўшандан буён биринчи ун заводи Тошкент шаҳридаги ва вилоятдаги нон заводларига, Ўзбекистон аҳолисига хормайтолмай ун ва ун маҳсулотлари етказиб бераяпти.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тегирмон дастлаб қурилган йилларида унинг қуввати бор-йўғи 1 кеча-кундузда 60 тонна ғаллани қайта ишлашга етарди. Барча ишлар қўлда бажариларди: қоплар нина ва каноплар билан қўлда тикилар, тайёр маҳсулот эса очиқ майдонда сақланарди. Ун истеъмолчиларга анъанавий транспорт — от арава ва бричкаларда етказиб бериларди.

1925 йили тегирмон таъмирланиб, унинг қуввати бир кеча-кундузда 220 тонна ғаллани қайта ишлаш даражасига етказилди. Йилдан йилга корхонанинг қуввати ошиб борди. 1941 йилда 600 тонна ғалла сиғадиган омбор қуриб фойдаланишга топширилди.

1967 йили эса республикада биринчи бўлиб ушбу корхонада унни қоп-қанорсиз сақлаш усули жорий этилди. Бунинг учун олти қаватли 12 минг тонна сиғимли махсус цех бунёд этилди.

Шундай қилиб, завод жамоаси йилдан-йилга турли янгилиғу қулайликларни ишлаб чиқаришга жорий этиб маҳсулотни кўпайтира борди ва меҳнат анъаналарини бойитди.

Шуниси муҳимки, заводдагилар фақат бугунги кун ташвишлари билан яшаганлари йўқ. Улар жиддий ва қатъий равишда корхонанинг эртанги кунини ўйлаб яшадилар ва меҳнат қилдилар. Шу боис ҳам кўпгина ишчилар, мутахассислар тегирмонни қайта таъмирлаш борасидаги муҳим ишларни амалга ошириш зарурлигини тушундилар. Монолит темир-бетондан қурилган янги бино 3 та йирик иншоотни ва етти қаватли минорани қамраб олади.

Дарвоқе, 1980 йилда тегирмон техник жиҳатдан қайта жиҳозланган. Бир кеча-кундузда 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган учинчи майдалаш бўлими фойдаланишга топширилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, ушбу қадимий корхонада катта ўзгаришлар қилинди.

Бундан роппа-роса тўрт йил бурун, яъни 1995 йилда корхонани хомашё билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳсулотни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш мақсадида ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Лекин асосий мақсадга эришиш йўлида чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш зарур эди. Дон етишмай қолишининг олдини олиш учун муҳим тадбирлар белгиланди. 1997 йилда эса ушбу корхона «Ғалла-Алтег» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Акцияларнинг 30 фоизи давлатга ўтди. 20 фоизи эса корхонада қолди. Акцияларинг 50 фоизи хусусийлаштириш инвестиция фондлари орқали сотилди. Шундан сўнг, корхонани хомашё билан таъминлаш яхшиланди. Давлат йўли билан кўплаб ғалла келтиришга муваффақ бўлинди. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар ишлаб чиқаришни янада яхшилашга сарфланди. Цехларга замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши натижасида технологик жараёнлар такомиллашди. Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди. Яъни, ўртача ойлик иш ҳақи кескин оширилди. Агар 1996 йилда ҳар бир кишига ўртача 3500 сўмдан маош тўланган бўлса, 1997 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 8150 сўмдан ошди. Шу боис, бу ерда меҳнат қилаётган жамоа аъзолари астойдил тер тўкаётир. Ўтган йили 94 минг 526 тонна олий навли ун тайёрланди. 903 тонна макарон ишлаб чиқарилди. Даромад эса тобора ошиб бормоқда. Шу йилнинг 8 ойида 61 минг 707 тонна сифатли ун ва 697 тонна макарон ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказиб берилди.

Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий автомашиналарда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми нон заводларига жўнатилмоқда. Айни пайтда корхонада ун маҳсулотларини қадоқлаш усули ҳам кенг жорий этилган. 2 ҳамда 5 килограммли қилиб қадоқланган унлар Тошкент шаҳри дўконларида сотилмоқда.

Дарвоқе, «Ғалла-Алтег» очиқ акциядорлик жамияти корхонаси «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясининг ташаббуси билан «Алтег-Маркет» фирма дўконини ташкил этди. Бу дўкон ўтган йил охирларида фойдаланишга топширилди. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шу дўконда сотилмоқда. Аҳоли эса маҳсулот сифатидан мамнун.

— Агар корхонанинг ўтган 90 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг илғор ишлаб чиқариш жамоаларидан бири бўлганлигини ҳис этамиз, — дейди «Ғалла-Алтег» очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Бахтиёр Икромов. — Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 8 йили ичида корхонамиз анча тараққий этди. Айни пайтда жамиятимизни янада ривожлантириш йўлидан бораяпмиз. Бизнинг маҳсулотларимизга бўлган талаб барқарор бўлиб турсагина бунга эришиш мумкин. Бунинг учун албатта, биринчи навбатда хомашё сероб бўлиши керак. Серқуёш Ўзбекистонимиз айни пайтда шу йўлдан бормоқда. Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида илғор қадамлар қўйилди. Бу йил ғаллакорларимиз мардонавор меҳнат қилиб, йиллик режаларни ортиғи билан бажаришди. Демак биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳам сероблашиб, халқимиз дастурхони янада тўкинлашади. Айни пайтда омборларимизни донга тўлдириб олдик. Энди ишчиларимизга бемалол йил бўйи иш топилади. Демак, акциядорларимиз манфаатдорлиги бундан буён ҳам ошиб бораверади.

Ҳа, ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг бу йилги кайфияти ўзгача. Улар кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Илғорлардан Сунатилла Хўжаев, Обиджон Тўхтасинов, Ахбор Азимов, Комилжон Қўшжонов, Абдураззоқ Мирзаев ва бошқалар корхонанинг ҳақиқий маънодаги фахридир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 20

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
8.40 «Диёр мадҳи». Концерт.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Ёднома».
10.50 Кундузги сеанс: «Рикки-Тикки-Тави». Бадиий фильм.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 «Санъат олами».
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқийдам олиш дастури.
14.10 «Ибн Сино таълимоти».
14.30 «Орзулар қанотида». Телебеллашув.
15.40 Жалолиддин Мангуберди тавваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 6-қисм.
16.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
16.35 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
18.10 «ТВ-патруль».
18.20 «Ифтихор».
18.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос. «Чоргоҳ». Мусиқий дастур.
21.50 «Маънавият» дастури.
22.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», мульттомоша).
18.40 «Ақл ёшдамас...».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Биринчи мўъжиза».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00, 20.50, 23.15 Эълонлар.
20.05 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.55 «Ёшлар» телеканалида .
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.20 «Сурур» Мусиқий дастур.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Олам футболи».
22.55 Шарқ эстрадаси.
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Инспектор Морз».
01.05 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариште». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 «Телефакт».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Бевафолар» Комедия (Франция)
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Африканинг парқулоқ лочини».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси. (Германия)
17.50 «Бу ажиб дунё».

30 Канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 Саргузашт сериал премьераси. «Бажаришнинг имкони йўқ» (АҚШ).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 21

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали. Ҳиндистон.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Бурилиш». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
12.05 «Санъат ғунчалари».
12.30 «Мактублар, кабутарлар».
12.55 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
13.40 «Оила». Тележурнал.
14.10 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
14.40 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.20 «Таянч нуқтаси».
15.40 Жалолиддин Мангуберди тавваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 7-қисм.
16.00 Ўзбек қуйларидан концерт.
16.30 «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Тафаккур ва тақдир».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Юртим мўъжизалари». Публицистик кўрсатув.
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Андижон вилояти.
22.35 Экранда — кинокомедия: «Ишдаги ишқ».1-серия.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Ишдаги ишқ». Кинокомедия. 2-серия.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Премьерадан сўнг».
19.55, 20.45, 23.55 Эълонлар.
20.00 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.50. «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Парламент».
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Ёшлар овози».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Ёшлар» телеканали ҳафтанинг энг яхши футбол учрашувини тақдим этади.
23.55 «Ёшлар» телеканалида.
24.00 Синема. «Пул бўлса бас».
01.30 «Янги тонг!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариште». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Виктория» Мелодрама.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Мешкоб қуш ва океан».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
Россия давлат телевидениеси.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Интернет ҳудуди».

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал (Канада).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Ишқ вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 22

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик концерт.
9.15 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Кундузги сеанс: «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.35 «Мураббий». Спорт дастури.
12.50 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
13.25 «Остонаси тиллодан».
14.10 «Келажак уфқлари».
14.30 «Рақслар гулдастаси».
14.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
15.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди тавваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 8-қисм.
16.00 «Сайқал».
16.25 «Бузоқ йили». Кинокомедия.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Ранглар жилоси».
18.25 «Фермер». Таҳлилий кўрсатув.
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.00 «Адолат мезони».
«Умид» намойиш этади:
22.20 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Қиёфа».
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўйна болажон, ўйна», мульттомоша)
18.40 «Болалар дунёси».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Спектаклдан сўнг».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Менинг орзуим».
20.40 Козим Қаюмов куйлайди.
21.00 «Буюк юрт фарзандиман».
21.15 «Ракурс».
21.35 «Каталог».
21.45 «Дил рози». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.10 «Ёшлар» телеканалида.
00.15 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Осойишталик посбонлари».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.00 «Шаҳарлик фариште». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сўҳбатдош».
21.45 «Ёшлар тангоси». Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50, 20.40, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.15 «Бегойим» .
21.40 «Мусиқий лаҳзалар».
21.45 «Ёшлик формуласи».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Спорт дастури: 1.Футбол. Чемпионлар лигаси. 2.Спорт қитъаси.
01.15 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариште». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
21.45 Тошкент ва тошкентликлар.
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Аёллар салтанати».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4»да «Немис тўлқини».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Тито ва унинг ҳайвонот боғи».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Вақт хазинасидан».

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий-дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 23

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли».
10.25 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
10.45 Кундузги сеанс: «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Устоз».
12.30 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.50 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
13.25 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан...».
14.10 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
15.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бухоро».
15.15 «Камолот сари».
15.40 Жалолиддин Мангуберди тавваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 9-қисм.
16.00 «Энг оддий ҳикоя...». Публицистик кўрсатув.
16.15 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Кодекс».
18.10 Ёшлар учун «Янгиланиш».
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Санъатим — саодатим». Ўзбекистон халқ ҳофизлари ака-ука Ваҳобовлар концерти.
22.20 «Сомон йўли».
22.50 Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти.
23.15 «Ахборот».
23.45 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50, 20.40, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.15 «Бегойим» .
21.40 «Мусиқий лаҳзалар».
21.45 «Ёшлик формуласи».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Сарзузашт сериал.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 25

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Ҳаёт чашмалари».
«Умид « намойиш этади:
10.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.20 «Соғлом авлод учун».
10.40 «Табассум кўчаларида».
1-қисм.
11.25 «Ёзувчи ва замон».
11.45 «Илм олами : XXI аср бўсағасида».
12.05 Кундузги сеанс: «Ажал сиртмоғида». Бадиий фильм.
13.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», 1-қисм.
14.45 «Ринг». Спорт дастури.
15.15 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
15.40 Теран томирлар.
16.00 «Келин-куёв». Телешоу.
16.50 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
21.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 Теннис бўйича Дэвис кубоги. Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари учрашувидан репортаж.
23.00 «Халқнинг кўнгли».
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Мусиқий саёҳат».
00.05 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («У ким, бу нима», «Билағон маслаҳати», мульттомоша)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Марказий сайлов комиссияси ҳабарлари».
11.00 «Мусиқий лаҳзалар».
11.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.30 «Биринчи мўъжиза».
11.50 «Мезон».
12.10 «Рамаяна». Телесериал.
12.45 «Ақл ёшдамас».
13.00 «Мусиқий глобус».
13.20 «Ёшлар» телеканалида.
13.25 «Мафтункор чеҳралар».
13.45 «Юлдузлар». Мусиқий дастур.
14.05 «Спектаклдан сўнг».
14.25 «Эски альбомдан».
14.30 «Спорт китъаси». Теннис.
15.00 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.05 «Ёшлар» телеканалида.
16.10 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», мульттомоша)
18.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
18.45 «Ёшлар куйлайди».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳайрат».
19.50, 20.30, 23.40 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Матбуот».
21.15 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
21.25 «Сир».
21.45 «Эски альбомдан».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Кинотақдим».
23.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.35 «Ёшлар» телеканалида.
23.45 Синема. «Қонун бузилганда». Комедия.
01.20 «Хайрли тун!»

TTV

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «ТВ ва театр».
10.00 Болажонлар экрани. «Товус малика».
11.30 «Янги ой чиққан кеча».
11.55 «Мисли гавҳар».
12.20 «Ёшлар ҳудуди».
12.50 «Ибрат».
13.20 «Бева Бланка». Телесериал.
14.05 «Ҳамшаҳарлар».
14.30 Кинонигоҳ. «Қотиллар ўрнига».
16.05-16.50 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Чинсэн»

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.20 Мусиқий танаффус.
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Таянч».
20.25-21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Ишдаги ишқ ёки ...».
22.50 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Бошпана излаб» (Италия)
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси» .
9.20 Кинематограф. «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
11.40 «ТАСИС» дастури намойиш этади».
12.10 «Болалар олами».
12.25 -14.40 «Айбсиз деб топилсин». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 Е. Петросян. Телеспектакль. Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
21.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.40 «Бу ажиб дунё».
22.55 «5 дақиқа ўзинг учун».
23.00 «Кинопрофи».
23.20 «Мюзик-холл».
23.40 Кинематограф. «Бегона ҳудуд». Бадиий фильм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида)
01.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал (Австралия).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
18.45 «Кўрқув чангалида». Телефильм.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 26

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Ёр ва диёр тароналари».
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Улуғбек юлдузи». Премьера.
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Кўзгу».
11.20 «Табассум кўчаларида».
2-қисм.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.55 «Куйла, ёшлигим».
14.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
15.00 «Мозийдан бир мўъжиза».
15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» (Қарши) — «Самарқанд».
16.00 «Довюрак Хочбар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
17.30 «Бўстон». Тележурнал.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Чемпион билан учрашув».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов куйлайди.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.20 Теннис бўйича Дэвис кубоги. Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари учрашувидан репортаж.
23.20 ТВ- 1 намойиш этади: Телеанонс
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.35 «Кино янгиликлари».
23.50 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 3-4 сериялар.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Янги авлод» почтаси, «Ким эпчил-у, ким чаққон», мульттомоша)
9.50 «Инглиз тили Сиз учун».
10.15 «Ёшлар» телеканалида.
10.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
11.05 «Мусиқий лаҳзалар».
11.10 «Чироғи ёниқ уй».
11.35 «Премьерадан сўнг».
11.55 «Лаззат».
12.15 «Тақдиримдасан, қўшиқ». Илҳом Фармонов.
12.45 «Рамаяна». Телесериал.
13.20 «Мусиқий лаҳзалар».
13.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.50 «Ёшлар» телеканалида.
13.55 Болалар учун фильм. «Шаҳарда сеҳргар».
14.55 «Бегойим».
15.20 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
15.35 «Ракурс».
15.55 «Ёшлик формуласи».
16.10 «Бугуннинг боласи».
16.30 «Ёшлар» телеканалида.
16.35 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)
18.35 «Остонадаги орзулар».
18.50 «Ватан мадҳи».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30, 20.10, 22.45 Эълонлар.
19.35 «Рамаяна». Телесериал.
20.15 «Миллионлар ўйини».
20.25 «Кўнгил кўчалари» қўшиқлари.
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Дунё ҳафта ичида».
21.20 «Синфдош».
21.40 «Мунис лаҳзалар».
21.50 «Каталог».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Азим Муллахонов куйлайди».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
22.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури намойиш этади: 1. Спорт ҳафтаномаси, 2. Интерфутбол.
00.45 «Тонг юлдузи!»

TTV

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Яхши кайфият».
10.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
10.20 «Латифа».
10.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.55 Болажонлар экрани. «Қурбақа - малика».
11.45 «Жозиба».
12.05 «Бева Бланка». Телесериал.
12.50 «Туризм ҳақида».
13.20 «Тошкент оқшоми» телешоу.
13.55 Спорт-тайм.
14.20 Жавоҳирлар соҳили.
14.40 «Суҳбатдош».
14.55-16.20 Такрорий фильмлар экрани. «Бошпана излаб».

***

17.55 «Ойнаи жаҳонда».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Дурдона».
18.40 «Камолот сари».
19.00 «Шаҳарлик фариштa».
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклубида қадрлар тайёрлаш миллий дастури.
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ватанни севмоқ-иймондандир».
21.45 «Даллас». Телесериал.
22.35 «Мусаввир». Рафаэль Мотивосян.
22.50 «Ибрат».
23.15 «Етти иқлим оҳанглари».
23.30 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Оким» (Австралия)
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кинематограф. «Бегона ҳудуд». Бадиий фильм.
13.00 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
13.10 -14.05 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Айчурек», «Диллар дилга туташгай».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Тенгдошлар».
18.20 «Бу ажиб дунё».
18.35 Е. Петросян. Телеспектакль.
20.00 «Буржлар башорати».

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг». Интеллектуал ўйин.
17.35 «Юлдузлар карвони». И. Сальтикова билан учрашув.
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеомода.

Чанқаса ўзлари хабар беради

***Исроилда шу кунларда ўсимликларни суғориш бўйича янги тизим ишлаб чиқилмоқда. Гап шундаки, ушбу тизим дастурига асосан эндиликда ўсимликлар ва унинг ёнидаги тупроққа махсус ўлчагичлар ўрнатилади. Бу ўлчагичлар эса ҳар ўн дақиқада навбатчи оператор марказига ўсимликлар аҳволи, сув ва сувсизлик даражаси ҳамда бошқа

Экстремизм ҳақида рисола



Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университети қошидаги «Ўзбек миллий қадриятлари» илмий-тадқиқот марказида маънавият ва маърифат соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Марказ раҳбари академик Эркин Юсуповнинг кўмагида қатор тадқиқотчиларнинг асарлари босилиб чиққан. Улардан маънавияттушунсликнинг турли қирралари мустақил давлатимиз олдида турган амалий вазифалардан келиб чиқиб ёритилган. Яқинда эълон қилинган «Исломий қадриятлар ва экстремизм» деб номланган рисоласида Эркин Юсупов Ўзбекистон Республикасида кишиларнинг эътиқодларига муносабат, диний фундаментализм ва экстремизм ғоялари шаклланишининг ижтимоий-сиёсий сабаблари тўғрисида теран мулоҳаза юритган.

Рисолада кўрсатиладики, барча динларнинг ривожланиши мураккаб, зиддиятли шароитларда амалга ошган. Тарих тадрижи натижаси ўлароқ айрим ақидалар янги шароитлардаги ижтимоий фикр, маданият, фан ва техника тараққиётида юзага келган кашфиётларга, ғоялар ва эътиқодлар мос келмай қолади. Буларга муносабат билдириб, диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини инкор этмаган ҳолда айрим ақидаларга янгича қараб даврга боғлиқ равишда уларни таҳлил қилишга уринган кишиларга қарши кураш олиб борилган. Экстремизм эса мақсадга эришиш йўлида зўравонликка таянади.

Муаллиф фундаментализм ва экстремизм мавжудлигининг уч асосий сабаби тўғрисида мулоҳаза юритади. Асарда Шимолий Африка ва Яқин Шарқда кенг тарқалган «Мусулмон биродарлари», Афғонистондаги толиблар ҳаракати, Эрондаги ислом давлати тузиш тарафдорлари ва бошқаларнинг сиёсий моҳияти ва мусулмон оламидаги ижтимоий зарари батафсил кўрсатилган. Хусусан, ваҳҳобийлар ҳақида шундай дейилган: «Улар бошқа фундаменталистлар, экстремистлар сингари соф ислом ғояларини тиклаш учун ҳаракат қилаётганликлари ҳақида жар солмоқдалар. Аслида, ҳар қандай дин давр руҳи, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар асосида доим такомиллашиб, ривожланиб боради. Акс ҳолда инсониятнинг янги даврлардаги талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолур эди. Диннинг фундаментал асослари эса янги, илмий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишга қодир бўлгандагина ўзининг ҳақиқий эканини исботлай олади. Ҳар қандай диннинг асосий вазифаси фуқароларни бир-бирига меҳр-мурувватли бўлишга чорлашдир» (23-бет).

Ваҳҳобийлик ўзининг икки асрлик тарихи давомида Ўрта Осиёда кенг тарқалмаганлиги ҳам унинг исломий қадриятларга, ханафийлик эътиқодига, маҳаллий мусулмонларнинг миллий-маданий меросига зиддлигидан эди. Фақат сўнгги ўн йиллик давомида ташқи кучларнинг таъсири ва бевосита ҳомийлиги остида бу оқим аввал Афғонистонда, кейинроқ Тожикистонда тарқалди. Ўзбекистонда ҳам ҳозирги вақтда ваҳҳобийлик ғоялари халқимизнинг маънавияти ва мустақиллигимиз манфаатларига бутунлай бегоналигига қарамай баъзи экстремист кучлар томонидан тарғиб қилинмоқда.

Китобда Қуръон, ҳадислар ва шариатдан келтирилган кўпгина далиллар ва маҳаллий шароитдан олинган жонли мисоллар асосида диний фундаментализмнинг кони зараркиги батафсил очиб берилган.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

«Бизнес-курьер» — бизнесменнинг доимий ҳамроҳи

«Бизнес — курьер» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Бозор иқтисоди масалалари хусусида баҳс юритувчи қизиқарли, лўнда, ихчам мақола ва ахборот ўрин олган ушбу сонда «Муаммолар», «Пул», «Шериклар», «Хобби» сингари бўлимлар борки, бу журналхон ўзига зарур бўлган ахборотни дарҳол топиб ўқиш имконини беради. «Ўздунробита» компанияси муассислик қилган ушбу журнал «Растр» Ўзбекистон — Британия қўшма нашриёт полиграфия корхонасида чиройли безаклар билан сифатли қоғозга босилган.

Бойимоқчи бўлсангиз, ахборотни эгалланг, деган нақл бор. Сиз ана шундай ахборотни «Бизнес — курьер» журнали саҳифаларидан топасиз. У тадбиркорларнинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатгўйи бўлиб қолишига ишонамиз.

М. КАРИМОВА

«Тарихий номлар» ўйланмаси

***Азиз муштарий!** Изоҳлари қуйида баён этилган тарихий ном ва атамаларни топиб, шаклга ёзиш билан билимингизни синаб кўринг.*

Ёй бўйича марказ томон: 1. Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида жойлашган Қорахонийлар ва Қорахитойлар давлатининг пойтахти бўлган тарихий шаҳар. 2. Жез даврига мансуб қуйи Зарафшон ҳудудидан топилиб, ўрганилган маданият. 3. Муаррих Низомиддин Шомийнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид нодир асари. 4. Заминнинг сайқали номини олган шаҳар. 5. Мирзо Улуғбек қурдирган қоинот жисмларини ўрганиш иншооти. 6. Пойтахтимизнинг қадимий саройи номини олган туман. 7. Бухородаги XVI—XVII асрларда бунёд этилган меъморий обида. 8. Шариат қонуни асосида иш кўрган бош амалдор. 9. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 10. Неандертал замондошлари яшаган Самарқанд вилоятидаги маконларидан бири. 11. Ҳиндистонлик давлат арбоби, олим, адиб Абулфазл Алломийнинг Бобурийлар тарихига оид нодир асари. 12. Мамлакатимизнинг 2,5 минг йиллик тарихига эга бўлган шаҳарда, XVI аср ўрталарида Абдуллахон II волидаи муҳтарамаси шарафига бунёд этган обида. 13. Қозоғистон шимолидаги кўмир ҳавзасига номдош шаҳар. 14. Ақл-заковатли, доно кишига берилган таъриф. 16. Сирдарёнинг ўнг соҳили, Фарғона водийсидаги чўл ҳудуди.

Ёйлар бўйича «занжир» ҳолида: 17. Шаҳрисабзнинг XVIII асрга қадар аталиб келинган номи. 18. Тошкент шаҳрининг илк номларидан бири. 19. Мутафаккир ижодкорлар Саъдий ва Ҳофиз ватани ҳисобланувчи шаҳар. 20. Араб алифбосида қисқа «а» унлиси ўрнида ҳарф устига қўйиладиган белги. 21. Савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил. 22. Ҳуросоннинг қадимий шаҳри, вилоят маркази. 23. Эрон ва Туркманистон чегарасидаги Тажан дарёсининг ўрта оқимида жойлашган шаҳар. 24. Аҳмад Яссавий ҳаёти билан боғлиқ Арис дарёси водийсидаги ўрта аср шаҳри. 25. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 26. Ўтмишда араблардан бошқа Шарқ халқларига берилган ном. 27. Маълум бир шаҳар ёки вилоятга мансуб ҳудуд. 28. Дастлаб «Авесто» китобида қайд этилган Ўрта Осиёдаги ҳудуд. 29. Қарши шаҳрининг V-XIV асрлардаги номи. 30. Шариат ҳукмларига оид илм. 31. Моҳир даволовчи шифокор, табибга берилган ном. 32. Оз миқдордаги нарсани ўлчашда қўлланилган вазн ўлчов бирлиги. 33. Китобни қўйиб ўқишда фойдаланиладиган мослама. 34. Шамсия йили ҳисоби бўйича янги йил бошланадиган ой. 35. Эроннинг ғарбий вилоятларидан бири. 36. Халқ оғзаки ижоди тури. 37. Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаларидан бири.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Байрам» ўйланмаси жавоблари

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида.

1. «Боинг». 2. Мўйноқ. 3. Навоий. 4. Қамчиқ. 5. Шарғун. 6. Қўйтош. 7. Рўзиев. 8. Буғдой. 9. «Авесто». 10. «Ёзувчи». 11. Наврўз. 12. Риштон. 13. Дўрмон. 14. Орипов. 15. Теннис. 16. «Экосан». 17. Устюрт. 18. Байроқ. 19. «Адолат» 20. Жўраев. 21. «Обреме» 22. Боёвут 23. Меҳнат 24. Термиз. 25. Барчин. 26. Чимбой. 27. Чирчиқ. 28. Хитой.

Муаммонома: очқич сўзлар: 1. Абдуллаев. 2. Элбек. 3. Тўлаганова. 4. Чўлпон. 5. Огаҳий. 6. Саримсоқова. 7. Хоразм.

Сен — Халқсан, Сен миллат,
Ҳурлик йўлида
Толе ой каби балққан
Иқболсан.
Эрк деб парвоз қилган,
Тинчлик деб, қалққан,
Олтин Камар таққан,
Ўзбекистонсан.



Евгений Кафельников:
«Тошкентга келавераман!..»

Тошкентнинг «Юнусобод» кошонасида бир ҳафта давом этган теннис байрамининг унутилмас ва кутилмаган воқеаси мухлислар умид боғлаган энг кучли ўйинчининг ютқазиб қўйгани бўлди. Гап бу ерда россиялик Евгений Кафельниковнинг имкониятни бой бергани ҳақида бормоқда. Айтишадики, юлдузнинг учгани — сўнгани. Зеро, Евгений ер юзи бўйлаб қанотларда учадиган юлдузлардан. У ҳали бери сўнмас. Балки, теннис осмонида янада ёрқинроқ чарақлагусидир. Тўғри, омад деган нарса бор. Йигит кишининг иши ҳамиша ҳам юришавермайди. Кафельников Америка очиқ чемпионатида ярим финалга чиқа олганда жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчисига айланган бўлар эди. Лекин, у кайфиятини бузмади. Айтганини қиладиган йигитлардан бўлгани учун ҳам тўғри Тошкентга парвоз қилди. Етиб келдию ўзини яна теннис майдонида кўрди. Булар айтишга осон. Ахир йўл азоби деган гаплар бор. Албатта, бу теннисчининг нима учун ютқазиб қўйгани сир-асрорларини очиб бериш фикридан йироқмиз. Аммо, инсон боласида имкониятлар ўзига хос сарҳадларга эга эканини унутмайлик-да.

Мухлислар Америка ҳавосини 8-9 соат орасида Ўзбекистон нафасига мослаштира билган Евгенийнинг ўйинларидан мамнуният ҳосил қилдилар. Чорак финалга чиқиш учун кураш ярим тунгача давом этганининг ўзиёқ баҳс муросасиз бўлганидан нишонадир. Чех ўйинчиси Даниэл Вацек жаҳон рейтинггида 70-бўлиб турганига қарамай, омади чопиб, курашни давом эттириш имкониятини қўлга киритди. 7:6 (5) 2:6, 7:5 ҳисоблари унинг фойдасига ҳал бўлди. Унинг иши яна юришди. Даниэль иккинчи учрашувда таиландлик Сричафанни ютиб ярим финалга чиқди.

Ишқибозлар мусобақанинг унутилмас баҳсларидан бири бўлиб қолган ўша Евгений Кафельниковнинг журналистларга айтган сўзларини эслаб юрсалар ажаб эмас: «Сирасини айтсам, Тошкент турнири менга маъқул келади. Назаримда пойтахтингиз ўз шаҳримдек бўлиб қолган. Ҳамиша мухлисларнинг менга меҳрини сезиб тураман. Тўғри, уч йилдан бери «Юнусобод»да омадим юришмаяпти. Аёнки, нуфузли мусобақаларда кўп марта зафар қучганман. Орзуим «Дэвис кубоги»ни қўлга киритиб, олимпия чемпиони бўлиш эди. Энди бунга «Президент кубоги» ҳам қўшилади. Демак Тошкентга келавераман! Бош совринни қўлга киритиб, юртбошингиз ишончини оқлашга ҳаракат қилавераман».

Нуфузли мусобақада ҳал қилувчи баҳсгача бўлган йўл ниҳоятда машаққатли кечади. Боиси, 32 нафар кучли теннисчидан бор-йўғи иккисини сараланиши шиддатли ва муросасиз бўлишидан нишонадир. Тошкент турнирида кўпчилик умид боғлаган, жаҳон рейтинггида юқори ўринларни эгаллаган ўйинчилар ўрнига кутилмаганда бошқа теннисчилар ўз лаёқатларини юзага чиқариб, кўпчиликни ҳайратга солишмоқда. Хусусан, швейцариялик Жорж Бастлнинг 154-ўринни эгаллаб туришига қарамай, курашни ярим финалгача давом эттираётгани ҳам шундан дарак беради. У бугунгача уч марта ғалаба нашидасини сурди. Агар қўли келиб қолса яна бир ютуқдан кейин финалга чиқиб бош совринга даъвогарлик қилиши ҳам мумкин. Шунингдек, таиландлик Сричафан ҳам ўзининг ажойиб ўйинлари билан бош совринга талабгор эканлигини яширмаяпти. Николас Кифер маълумки кучли теннисчилардан. У жаҳон рейтинггида 13-ўринда. Кўрсатаётган ўйинлари ҳам эсда қоларли. Николасни ҳам балки финал учрашувида кўриш насиб этар. Кеча эса якунловчи учрашув олдидан сўнгги икки ўйин бўлиб ўтди.

Мусобақа Ўзбекистон теннисчилари учун маҳорат мактаби бўлаётгани сир эмас. Якка баҳсларда Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко курашни давом эттира олмай қолишди. Аммо жуфтликлар учрашувида Олегнинг ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. У швейцариялик Марк Россе билан жуфт бўлиб ўйнашни ўрнига қўйиб, ҳамюртлари Куценко билан Томашевичлар устидан 6:4, 6:2 ҳисобида устун келиб, ярим финалга чиқди.

Хуллас, бугун мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ҳамда бош соврин учун хал қилувчи учрашув бўлади. Ўйлаймизки, Тошкент турнирининг сўнгги куни ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ

Ойда сув бор

1998 йил январда коинотга учирилган Американинг «Лунар Проспектор» фазо кемаси ҳануз Ой орбитасида сузиб юрибди. Ўтган йил кузда «Клементина» деб номланган коинот зонди очган янгиликни, яъни Ойда сув борлиги ҳақидаги хабарни у ҳам тасдиқлади. Маълум бўлишича, Ойда жуда катта сув музликлари бор бўлиб, бу музликларнинг оғирлиги 10 миллиард тоннадан ҳам ортиб кетар экан. Музликлар бир вақтлар, яъни бундан миллард йиллар муқаддам кометаларнинг Ойга урилиши натижасида пайдо бўлган улкан чуқурликлардадир. Шу музликларга асосланиб мутахассислар айтишмоқдаки, илмий-кузатув ишлар учун Ойни макон айлаш эндиликда ҳақиқатга яқин воқеликдир ва бу борада америкаликлар жиддий бош қотиришмоқда.

Ой чуқурликларида топилган сув музликлари илмий текширувчи ракета қурилмалари учун обиҳаёт ролини бажаради. Негаки, водород ва кислород ракета двигателларининг ёнилғиси учун асосий манбаа ҳисобланади. Демак, келажакда, Ойни ва шу билан биргаликда коинотни ўрганиш ишлари янада улкан салоҳият кашф этади.

❖ *«Гиннес»дан кўчирмалар*

Китоблар орасида энг қимматга сотилгани ҳозирча Гутенберг томонидан 1455 йили нашр этилган «Кўҳна васият» китобидир. Уни 1987 йил 22 октябрь куни Нью-Йорк-даги Кристи кимошди савдосида Япония компанияларидан бири 5 миллион 390 минг долларга сотиб олган.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси

Сиз азизларга, 1999 йил 22, 30 сентябрь кунлари бўладиган аукцион савдосига қўйилган тугатилган «Ўзқурилишкомплект» ассоциациясига қарашли Тошкент шаҳри, Назарбек массивида жойлашган «Қурувчи» қурилиш моллари магазинининг савдодан олинганлигини маълум қилади.

ООО «Марел»
АВТО запчасти
1000 наименований со склада в г. Ташкенте
Пригалашаем к сотрудничеству руководителей предприятий и снабженцев.
Тел: 136-26-93
ГАЗ-24, ЗИЛ-130, Москвич, ВАЗ, Г-53, КамАЗ, МАЗ

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят бўлими
Сиз азизларни 22, 29, 30 сентябрь кунлари ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига
таклиф этади
Савдоларга иншоотлар, автотранспорт воситалари, ер майдонлари ва хўжалик суди орқали қўйилган мол-мулклар қўйилади.
Кимошди савдолари 22 сентябрда Тошкент шаҳрида, 29 сентябрда Бўстонлиқ туманида, 30 сентябрда Бекобод туманида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда.
18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,